



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 8 сентябрь, № 175 (5090)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон Ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўза Ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2010 йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини 10 сентябрьда тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мушоахатини инобатга олиб, 2010 йил 10 сентябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуруний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон Ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 7 сентябрь

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Қарши шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Келажақ овози - 2010" республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.


«Келажақ овози - 2010»

Тадбирда ғолиблар, "Келажақ овози" танлови жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳакамлар ҳайъати, экспертлар ҳамда иқтидорли ёшлар иштирок этди. Бу йил "Келажақ овози" ёшлар танловида вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 5 минг нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Уларнинг 15 нафари вилоятда ғолибликни эгаллаб, республика босқичига йўланма олди.

Анжуманда "Келажақ овози" республика кўрик-танлови вилоят босқичи

ғолибларининг лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Унда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали 3-босқич талабаси Артём Расуловнинг ёшлар ўртасида маълумот, фикр ва тажриба алмашиш ҳамда эркин мулоқот воситасини яратиш имконини берувчи веб-ишланмаси, Қарши давлат университети 4-босқич талабаси Дилобар Хуррамованин "Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).



Ислохот

ЭЪТИБОР, ИЗЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК

мамлакатимиздаги кичик корхоналар фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда

Тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган юксак даражадаги эътибор туфайли ишбилармонларимизнинг юртимиз иқтисодийётида тугган ўрни тобора ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизда кичик корхоналар сони (фермер хўжалиқларини ҳисобга олмаганда) 3,7 фоизга кўпайгани ва мамлакат ялпи ички маҳсулотига уларнинг улуши 41,1 фоизга етгани ислохотларнинг юксак самараси сифатида эътироф этилаётир.

— Президентимизнинг тадбиркорликни янада раванқ топтириш борасидаги савий-ҳаракатлари, шунингдек, уларга ҳар томонлама яратиб берилаётган имкониятлардан ҳужуланиб, менда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш истағи туғилди, — дейди Шофиркон туманидаги "Наҳмиддин

Наимжон" кичик корхонаси раҳбари Назар Саъдуллаев. — Банк томонидан ажратилган эллик миллион сўм миқдоридagi кредит бизнес лойиҳамизни амалга оширишда қўл келди.

Ушбу маблаг эвазига замонавий ускуна харид қилиб, туманимиз марказида новойхонани ишга туширдик. Янги линия турдошларига нисбатан электр энергиясини 20-30 фоизгача тежаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўл келарпти.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: новойлар Элбек Исломов ва Зарина Тўраева.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ:

СТРАТЕГИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ

Мамлакатимизда ҳар йили сентябрь ойининг охирида "Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги — INFOCOM" бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасида соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳамда мутахассислар ва кўп сонли АКТдан фойдаланувчилар учун бирдек қизиқарли қатор тадбирлар ташкил этилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит — АКТ — 2010 "Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги — INFOCOM — 2010" доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саккизинчи миллий саммит Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва

технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш" лойиҳаси (ICTP), Ўзбекистонда IT-компаниялар ва ташкилотлар уюшмаси томонидан ташкил этилади.

Пойтахтимизда ўтказиладиган АКТ саммитида ҳар йили Ўзбекистон ва хо-

рижий мамлакатлардан қарийб 400 нафар делегат иштирок этади. Улар форумда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқ ва ишланмаларни муҳокама қиладилар.

XI асрда ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2002 — 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури бунга яққол мисолдир. Мазкур дастурнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда ахборот маконини янада ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Соғлом аёл — соғлом келажақ

ТОШКЕНТ. Кейинги пайтда аёлларга хос спорт турларининг тобора оммалашиб бораётганлиги, хотин-қизларимиз турли халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётганликлари жуда қувонарлидир.

Бу каби натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда турли вазирилик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиладиган спорт мусобақалари, беллашуви ва фестиваллар алоҳида аҳамият

касб этмоқда. Яна санокчи кунлардан сўнг "Аёл соғлом бўлса — авлод соғломдир" шiori остида ўтказилиши кўзда тутилган республика хотин-қизлар гимнастрадаси ва спорт фестиваллари ҳам ана шундай хайрли

чора-тадбирлар сирасидан, дейишимиз мумкин. Фестивалнинг очилиши олдида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида бўлиб ўтган анжуманда таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бугун

(Давоми 3-бетда).

Хоразмда қовун сайли

УРҒАНЧ шаҳрида воҳа полизчилиги ютуқларини тарғиб этиш ҳамда Хоразм қовунларини оммага таништириш, деҳқонларнинг машаққатли меҳнатини улуғлаш, уларнинг бой тажрибасини оммалаштириш мақсадларига қаратилган қовун сайли ўтказилди.

Тадбир иштирокчиларига Хоразмнинг 50 дан ортиқ навадаги ширин-шакар қовунлари намойиш қилинди. Шунингдек, қовун сайли

доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қўшрабортда гишт заводи

САМАРҚАНД. Қўшраборт туманида янги гишт заводи ишга туширилди. "Қўшраборт гиштзаъмир" хусусий корхонаси ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 250 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланди.

Пировардида хориждан келтирилган тежамкор технологиялар ёрдамида йилига 12 миллион донагача пишққ гишт ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бир йўла 100 киши иш билан таъминланган янги корхона маҳсулотларига қўшни Иштихон ва Пайарик туманларидан ҳам буюртмалар туша бошлади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизда паррандачилик хўжалиқларини ташкил этиш учун тижорат банклари томонидан

44,6

миллиард сўм ажратилди.

ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш доирасида бундай чора-тадбир натижасида паррандачилик хўжаликлари янада ривожланди.

Технологик янгиликлар натижаси

НАМАНГАН туманидаги "Голден силк" хорижий корхонасида модернизациялаш тадбирларининг биринчи босқичи амалга оширилгач, бу ерда йилига 65 тонна пиллани қайта ишлаш имконияти яратилди.

Шу кунларда эса лойиҳанинг кейинги босқичи амалга оширилмоқда. Яъни корхонада хориждан келтирилган 400 минг АҚШ доллари миқдоридagi замонавий технология ўрнатилмоқда. Ушбу юмуш ниҳоясига етгач, корхона қуввати ортиб, йилига 100 тонна пиллани қайта ишлаш мумкин бўлади.

Қ. НАҲМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистоннинг биродар халқи ва ҳукуматига самимий табриқлар ва энг эзгу тилақлар изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Ислон конференцияси ташкилоти фаолиятига кўрсатаётган ёрдамнингиз учун чукур миннатдорлик билдираман.

Парвардигордан Сизнинг доно раҳнамолигингизда Ўзбекистоннинг биродар халқига тараққиёт ва раванқ, Сизга эса мустақкам сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Акмалуддин ЭХСОЎҒЛИ,
Ислон конференцияси ташкилоти Бош котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга бутун Бразилия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриқлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Кейинги йилларда Бразилия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу ўринда Сиз, Жаноби Олийларининг 2009 йилда Бразилияга ташрифингизни катта мамнуният билан ёдга оламиз. Ушбу ташриф асосида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид ўнла гоят муҳим икки томонлама битим тузилиб, ўзаро муносабатларимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Бразилия мамлакатларимизнинг иқтисодий манфаатларини инобатга олган ҳолда икки томонлама савдо номенклатурасини янада кенгайтириш ва диверсификация қилишдан манфаатдор эканини таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Луис Инасио Лула да СИЛВА,
Бразилия Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Мамлакатингиз Мустақиллик кунини нишонлаётгани муносабати билан Испания ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларини чин дилдан муборакбод этаман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга тинчлик-хотир-жамлик, Ўзбекистоннинг дўст халқига омонлик ва фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Қамолти эҳтиром ила,

Хуан КАРЛОС,
Испания Қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриқлар йўллаб, энг эзгу тилақлар изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг дўст халқига янада раванқ тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Халифа бин Зайд Ол НАҲАЙЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини нишонлашни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриқлар ва энг эзгу тилақлар йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик, Ўзбекистоннинг дўст халқига янада раванқ ва тараққиёт тилашга ижозат бергайсиз.

Шайх Мухаммад бин Рашид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири,
Дубай Амирлиги Амири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ўн беш ёшли талаба

Ўн беш ёшли Арран Фернандес сўнгги икки юз йил ичида Кембриж университетига ўқишга қабул қилинган энг ёш талаба бўлди, дейилади "The Daily Mail" нашри хабарида.

Кизиқ жиҳати, ёш иктидор эгаси ҳозирга қадар ҳеч қандай мактабга бормаган. Фақат охириги пайтларда у математикадан тайёрлов курсига қатнаган.



Арраннинг айтишича, у овоза бўлиш ниятида эмас, балки Кембрижда ўқиш иштиёқи кучли бўлгани учун шунга ҳаракат қилган. Мазкур университет тарихидаги энг ёш талаба Уильям Питт Кичкина ҳисобланади. У 1773 йили биринчи курсга қабул қилинганида 14 ёшда бўлган.

Автомобиллар тўқнашиб кетди

Чилида кўнгилсиз воқеа юз берди.

Маҳаллий "Cooperativa" радиостанциясининг расмий манбаларга таяниб хабар беришича, мамлакатнинг Антофагаста вилоятида портловчи моддалар ортқилган юк машинаси энгил автоулов билан тўқнашиб кетган. Оқибатда кучли портлаш юз берган.

Беш киши ҳаётдан кўз юмган. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, курбонлар сони яна ошиши мумкин. Чунки фожиа оқибатида оғир тан жароҳати олганлар кўпчиликини ташкил қилади. Ҳозирча кўнгилсизлик сабаблари аниқ эмас.

Меҳнат

шароитларидан норози

Францияда мактаб ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари норозилик намойиши билан чиқиди. Бу ҳақда "France 24" телеканали хабар тарқатди.



Намойиш қатнашчилари мавжуд меҳнат шароитларини яхшилашни, шунингдек, иш ўринларини қисқартиришга чек қўйишни талаб қилишмоқда. Кузатувчилар вазиятнинг тезроқ ижобий ҳал этиш лозимлигини билдиришмоқда. Чунки уларнинг фикрича, намойишчилар сони тез орада миллион кишидан ошиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, транспорт ва таъминот тизими хизматчиларининг ҳам намойишчиларга қўшилиш эҳтимоли бор.

Инфратузилмани яхшилаш мақсадида

Оқ уй маъмурияти Конгрессга мамлакатдаги инфратузилмани яхшилаш мақсадида қиймати 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани кўриб чиқиб, тасдиқлаши учун тақдим этди.

Мазкур сармоя автомобиль, темир йўллар ва самолётлар учун қўниш йўлакларини бунёд этишга сарфланиши кўзда тутилган. Хусусан, лойиҳага асосан, яқин олти йил ичида 240 километрдан ортқироқ автомобиль

йўли, 6 минг километр атрофида темир йўл ва 241 километр учун қўниш йўлакларини барпо этилади. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратиш имконияти ҳам юзага келади.

Инқироз ва ишсизлик

Кетма-кет тўрт ойлик пасайишдан сўнг Испанияда ишсизлар сони яна ортган.

"Евроњьюс" телеканали хабарига қараганда, жорий йилнинг август ойида мамлакатдаги меҳнат биржаларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони 61 минг кишига етган. Натижада бу борадаги кўрсаткич июль ойига қараганда 1,5 фоизга кўпайган. Манбада изоҳланганича, ҳамон асоратлари кузатилаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айна пайтда мамлакатнинг қурилиш соҳасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда август ойига келиб мазкур жабҳада меҳнат қилаётганларнинг 13 минг нафари ишсиз қолган. Сайёҳлик тизимида иш жойини йўқотганлар сони 38 минг кишига етган.



Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Айрим мутахассислар молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирлари ортда қолди, деган фикрларини илгар суришмоқда. Лекин баъзи соҳаларда кузатилаётган тушунлиқ ҳолати, ижтимоий танг аҳвол ҳали бу борада хотиржамликка берилмаслик зарурлигини кўрсатаётир. Келинг, бунинг сабабини тараққиётга эришишда муҳим аҳамиятга эга жабҳалардан бири — авиатранспорт тизими мисолида излаб кўрайлик.

Жабҳарингиз бор, яқинда Францияда авиадиспетчерлар иш ташлаш эълон қилишди. Мақур ҳолат эса йўловчиларга қатор ноқулайликлар туғдирди, асабларини бузди. Бунга аэропорт ходимлари шу тарзда изоҳ бердилар: "Нима қилайлик? Муаммоларимизни ҳал этиш учун бошқа чора қолмади?" Гап шундаки, шу кунларда Европа Иттифоқида авиатарвозларни назорат қилишнинг ягона тизимини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Янги-чи диспетчерлик хизмати Германия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Швейцарияники билан барқарорлаштирилиб, битта бошқарув механизмига бўйсунди. Касаба уюшмалари эса янги лойиҳага бир шарт билангина қарши эмас. Унга кўра, мамлакатдаги аэропортларда 12000 та иш ўрни сақланиб қолиши, шу жумладан, 4000 таси авиадиспетчерларга тегишли бўлиши лозим. Шунга қарамай, манбада яқин йилларда бу борада 500 та иш ўрни қисқартирилиши қайд этилмоқда.

МУСТАҲКАМ АСОС, ИШОНЧЛИ ПАРВОЗ

Йўлида ҳаво бўшлиқларини 9 та тизим остида бирлаштиришмоқчи. Бунинг натижасида, масалан, Франция диспетчерлик хизмати Германия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Швейцарияники билан барқарорлаштирилиб, битта бошқарув механизмига бўйсунди. Касаба уюшмалари эса янги лойиҳага бир шарт билангина қарши эмас. Унга кўра, мамлакатдаги аэропортларда 12000 та иш ўрни сақланиб қолиши, шу жумладан, 4000 таси авиадиспетчерларга тегишли бўлиши лозим. Шунга қарамай, манбада яқин йилларда бу борада 500 та иш ўрни қисқартирилиши қайд этилмоқда.

роитига қаршилик билдиришмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, бунга ташкилотнинг 1200 нафар ишчиси ўз лавозимидан бўшатилиши ва машошларнинг музлабтилиши билан боғлиқ режа сабаб бўлди. Улар март ва апрель ойларида ҳам бир



неча бор иш ташлаш эълон қилишган эди. Бу мамлакатдаги марказий "Хитроу" аэропорти фаолиятига салбий таъсир ўтказди. Ушанда англиялик аэропортчиларни Австралия, Испания, Италия, Германия ва АҚШдаги касаба уюшмалари қўллаб-қувватлаганди. "Биз уларга қонун доирасида қўлимиздан келганча ёрдам берамиз", дея таъкидлаганди Американинг Тимстер транспортчилар иттифоқи президенти Джеймс Хофф. Бирок яқинда уларнинг навбатдаги иш ташлашлари ҳам натижасиз туғди. "Юнайт" касаба уюшмаси раҳбари Тони Вудли бу ҳақда шундай деди: "Авиакомпаниялар ўз ишчиларининг ижтимоий фаровонлигига бефарқ. Бу кетишда яқин келажақда самолётлар эмас, фақатгина қушлар парвоз қилади". "British Airways" мутасаддиси Вилли Уолшинг фикри умуман бошқача. "Қушлар учаверсин. Лекин улар билан бирга, компаниямизга тегишли самолётлар ҳам парвозда бўлади. Бу жараён иш ташлашлардан қатъи назар, давом этади". Қарама-қарши-

ликлар "British Airways"га 30 млн. евро зарар келтириши мумкин. Шу ўринда "Бу борада мамлакатимиздаги ҳолат қандай?" деган савол туғилиши табиий. Аввало, Президентимизнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконкомпаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони соҳа раванқи учун дастуриламалга айланганини айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2020 йилгача фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури самолёт паркни модернизациялаш ва бир хиллаштириш, Фарбода ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база яратиш, ҳаво қаракатини бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил ишловларни амалга ошириш бўлиб қилинган оқулдор қарор ва аниқ мақсадларга йўналтирилган стратегия ҳар қандай, шу жумладан, молиявий-иқтисодий шароитда ҳам барқарорлиқни сақлаб қолиш имконини берди. Чунинчи, 2010 йилнинг дастлабки олти

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар кўмагида ҳаво йўлларимиз тизимидаги янгиланишлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даври ва ундан кейин ҳам улуғсиз давом эттирилади.

Санджон МАХСУМОВ.

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкори

CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХҚОЛАШ.

БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

БОЗОРЛАР УЧУН МАҲСУС ТАКЛИФ

CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

Тошкент шаҳри:

- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс (998 71) 281-43-65;
- С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (998 71) 236-04-49, факс 232-06-85.

www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz

Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz

Маҳсулот сертификатланган.

Соғлом аёл — соғлом келажақ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳаллий ҳамда жаҳон микросида ўтказилаётган спорт мусобақаларида голиблик шохсупасига кўтарилаётган қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда 4 миллион нафардан зиёд хотин-қиз спортга жабб эрилган бўлиб, уларнинг аксарияти уй бекаларидир.

Хотин-қизлар спортини ривожлантириш келажагимиз ворисларининг барқарор инсон бўлиб вояга етишида муҳим омили саналади, — дейди Республика Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Мухтарам Буриева. — Негаки, аёллар жамиятнинг фаол бўлиши сифатида турли жабҳаларда фидоийлик билан меҳнат қилиш баробарида, оиладаги тарбиявий муҳитнинг асосчиси ҳамдирлар. Уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишлари, спорт билан шуғулланишлари фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз. Шу маънода, режалаштирилади

ётган навбатдаги спорт фестивали ҳам аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиши, шу орқали оналар саломатлигини мустаҳкамлаш госясини илгар суриши билан аҳамиятлидир.

Мусобақалар спортнинг волейбол, энгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, синхрон сузиш ва гимнастика спорт турлари бўйича ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 500 нафар иштирокчи ўзаро беллашади. Мазкур спорт мусобақалари пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройи ҳамда Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Тадбир иштирокчиларининг бўш вақтини маъмулий ташкил этиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар ҳам тайёрланди. Ушбу спорт фестивали жорий йилнинг 13 — 15 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭН филтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мулжал — "Шухрат" дўкони жойлашган чорраха)

Ульяновск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

УАЗ Hunter

УАЗ Patriot Limited

Юк ташувчи УАЗ-3303

Юк ва йўловчи ташувчи маҳсул УАЗ-39625

Фургон УАЗ-3741, юк ортин учун ҳажми УАЗ-3909, 4х4 МРУ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори «DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD»

мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида қизиқиш билдирган барча шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Ҳамкорлик қилиш соҳаси «HYUNDAI» русумли янги энгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича дилерлик қилишувини тузиш.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

- камда 150 м² бўлган ўз сервис-маркази ва автосалони эга бўлиш;
- корхонани ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тақдим этиши лозим.

Барча саволлар бўйича Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 250-11-11, (+99890) 185-63-30, (+99898) 301-31-70.

www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

